Ушбу сонда:

2 *Бир Фармон шарофати* ОРОЛБЎЙИ улкан бунёдкорлик майдони

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА

4 ҚАЛБЛАРДА ВАТАН ИШҚИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI – FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 7 июн, сешанба № 89 (1930)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Чўлқуварлар шаҳри – Янгиерда 8 та маҳалла бўлиб, уларнинг учтасида гузарлар бор эди. Яқинда Бинокор маҳалласида яна бир замонавий гузар қуриб фойдаланишга топширилди. У ҳашар йўли билан амалга оширилди. Маҳалла аҳлига ҳақиқий совға тариқасида тақдим этилган масканда ўндан зиёд савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат шохобчалари фаолият юритмоқда. Жумладан, телерадио устахонаси, сартарошхона, озиқ-овқат ва турли хил товарлар дўкони, тикув цехи мавжуд. Эътиборлиси шуки, биргина цех шарофати билан 20 нафардан ортиқ киши замонавий касб билан таъминланди.



**Суратларда: тикув цехи бошлиғи Робия Азизова (юқорида); тадбиркор аёл Раъно Сатторова шогирдлари билан.**

**М.КАРИМОВ**
**олган суратлар**

## ЁЗ - ЎТАДИ СОЗ

***Наманган вилоятидаги ўн битта ёзги соғломлаштириш оромгоҳи наманганлик болаларни қабул килди.***

.- Ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари март ойидаёқ бошланган,- дейди вилоят касаба уюшмалари кенгашининг маданият ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Б.Пузалов. - Ушбу оромгоҳларда касаба уюшмаларининг йўлланмаси бўйича 8 мингдан ортиқ бола дам олади. Бундан ташқари, Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан мактаблар ва лицейлар базасида 4 мингдан ортиқ ўғил-қиз ёзги таътилни ўтказади.

Шунингдек, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳам болаларнинг дам олишини ташкил этиш билан фаол шуғулланмоқда. Бу борада уларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ёрдам бермоқда.

Болажонларнинг тўлақонли дам олишини таъминлаш учун эса шифокорлар, санитария-эпидемиология хизмати, ёнғин хавфсизлиги хизмати, милиция, фавкулодда вазиятлар бошқармаси ходимларидан иборат махсус комиссия ташкил этилган.

### *Орамиздаги одамлар*

***Бухоро вилоятидаги «Олот» ширкат хўжалиги яйловлари Қашқадарёнинг Помуқ даштлари, Қорақум ва Қизилқум чўлларига туташиб кетган. 108 минг гектарлик кенг худудда минглаб қўй-қўзилар боқиляпти. Хўжалик раҳбари Худойқул Хўжаниёзовни кўпинча идорадан тополмайсиз, туя ўркачли қирадирларда жойлашган отарларни айланади. Чўпон ўтовларида бўлиб, чорвадорлар ҳолидан хабар олади, уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб, муаммоларини ҳал қилиш йўлларини излайди.***

## ЎРТАЧЎЛ ЧЎПОНЛАРИ

Ҳар галгидек касаба уюшма қўмитаси раиси Меҳриддин Абдуллаевни ёнига олиб, Ўртачўлдаги Меҳмон Бобоқулов ўтовига етиб келганида қош корая бошлаган эди. Эндигина яйловдан қайтган тажрибали чўпон уларни кўриб кўнгли тоғдек кўтарилди.

– Нима етишмовчиликлар бор? – сўради хўжалик раиси чорвадорлар билан ҳол-аҳвол сўрашгач.

– Икки кун олдин ширкат вакиллари келиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак қолдириб кетишди, – дейди бош чўпон мамнун ҳолатда. – Ҳамма нарса етарли, камчилигимиз йўқ.

– Айтганча, – деб суҳбатга қўшилди чўпоннинг турмуш ўртоғи. – Марказий шифохона врачлари ҳам аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Минг шукр, ҳеч қандай касаллик аниқланмади. Тоза ҳаво, мусаффо табиат ва сут-қатиқнинг фойдаси бўлса керак.

Меҳмон ака отаридаги 573 бош совлиқнинг ҳар юзидан 108 тадан қўзи олиб, 80 фоизини ўстиришга қолдирди. Илғор чўпонга ойлик маош, пул мукофотидан ташқари 30 дан ортиқ қўзи берилди.

Ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган қарорларининг ижроси бўйича тегишли дастур ишлаб чиқилган. Яйловларда 33 мингга яқин майда мол боқиляпти. Қўй-қўзилар зоотехника ва зооветеринария талаблари асосида парваришланаётганлиги туфайли семиз ва соғлом. Чорва молларининг 14,5 мингтасини совлиқлар ташкил этади. Баҳорги тўл мавсумида бир отардан икки отар яратилиб, урғочи қўзиларнинг 70 фоизи ўстиришга қолдирилди.

«Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик», деганларидек хўжаликнинг ялпи даромади 203 миллион 322 минг сўмдан ошиб кетди. Соф фойда 43 миллион сўмни, рентабеллик даражаси 33 фоизни ташкил қилди.

– Олинган фойданинг олтмиш фоизи дивидент тўловларига, қолгани қишлоқ инфратузилмасини тараққий этишга сарфланади, – дейди ширкат хўжалиги раиси биз билан суҳбатда. – Мактаб ўқувчиларига дарсликлар олиб берилди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Чўпон ўтовлари ва қишлоқ жойлари таъмирдан чиқарилди.

Моддий манфаатдорлик иш унумини ошириб, муваффақиятни таъминламоқда. Нурилло Қурбонов, Салим Нуров, Мурод Умуров сингари қўйчивонлар меҳнатдаги юқори натижалари учун пул, қимматбаҳо буюмлар ва 15-20 тадан қўзи билан мукофотландилар. Чўпон оилаларига буғдой, гуруч, ўсимлик мойи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 20 дан зиёд қария ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди.

... Ўртачўл яйловлари. Ёз қуёши баҳри муҳитни тандирдек қизитган. Кучли шамол қум тўзонларини учириб, кўз очирмайди. Ҳаво иссиқ ва дим. Бундай пайтда қўйларни субҳидам ва кечки салқинда яйратиб боқиш яхши натижа беради. Чорва ортидан юриб, суяги меҳнатда қотган мард ва танти чўпонлар қўйлар сонини ошириш, қоракўл тери, гўшт ва жун етиштиришни кўпайтириш учун кечаю кундуз тиним билишмайди.

**Н.НИШОНОВ**

## ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги аҳоли зич яшайдиган «Янги ҳаёт» ва «Янги турмуш» қишлоқлари оралиғида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёшлар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика, бокс ва кураш турлари билан шуғулланиши мумкин. Мажмуани Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ва ҳомийлар тегишли спорт анжомлари билан таъминлади.

**(ЎзА)**

## ХИРМОНГА БАРАКА

Қизилтепа тумани деҳқонлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб ғалла ўрим-йиғимига киришдилар. Бошоқли дон экинлари пишиб етилган Ўртачўл ҳудудидаги Ал-Бухорий, Худоёр Сулаймонов номидаги, «Ўртачўл юлдузи» фермер хўжаликлари уюшмалари далаларига комбайнлар чиқди.

Ғалла ҳосилини тез ва исрофсиз йиғиштириб олиш мақсадида қўшни туманлардан ҳам қўшимча комбайнлар ёрдамга келди. Айни пайтда 45 та комбайн тумандаги 400 нафардан ортиқ фермер ва ширкат хўжаликлари ҳосилини қисқа муддатда йиғиштириб беришга киришди. Ҳар бир комбайнда кунига 20-30 гектар майдондаги ғалла ўрилмоқда.

Омон Ҳамидов бошлиқ «Ғардиён юлдузи», Баҳром Тўраев раислик қилаётган «Аму-2000», Ҳамид Муҳаммедов раҳбарлигидаги «Сайидо» фермер хўжаликлари ҳозирданоқ давлатга дон топшириш шартнома режаларини бажардилар. Шу кунгача чўл ҳудудидаги 50 дан ортиқ фермер хўжалиги ғалла ўрим-йиғимини ниҳоясига етказди. Улар ҳар гектар ердан ўртача 45-50 центнердан ҳосил йиғиштириб олди.

Бу йил 9 минг 780 гектар майдонда ғалла етиштираётган қизилтепаликлар 35 минг тоннадан ортиқ дон йиғиштириб, шундан қарийб 20 минг тоннасини давлатга топширишга аҳд қилганлар.

## САМБОЧИЛАР ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШДИ

***Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо юлдузлари ўртасида жаҳон чемпионати ҳамда эркаклар ва хотин-қизлар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Осиё очиқ чемпионати якунланди.***

Россия, АҚШ, Мексика, Латвия, Эстония, Греция, Мўғилистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон каби давлатлардан келган 400 нафар спортчи иштирокида ўтган мусобақада юртимиз самбочилари совринли ўринларни эгаллади.

Осиё очиқ чемпионати беллашувларида Шавкат Жўраев, Акром Эшов, Элдор Ғуломов, Ҳусан Ҳасанов ўз вазн тоифасида олтин медалларни қўлга киритди. Қизлар ўртасида эса ҳамюртимиз Дилором Қамбарова бронза медал билан тақдирланди.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда гиламга чиққан Шуҳрат Назаров ҳамда Одил Тўлиндибоев ўз вазн тоифасида Осиё очиқ чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Қизларимиздан Маҳлиё Йўлдошева, Моҳина Юнусова ва Гулнора Қамбарова шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ўсмирлар ўртасида Илҳом Раупов, Мирали Шарипов, Фарҳод Исаев ҳамда Ботир Қобулов ғалаба қозонди. Қизлардан Севара Давронова, Дилафрўз Абдураҳимова, Гулзира Каримова, Дилафрўз Ибрагимова ва Шаҳло Турсунова ўз вазн тоифасида зафар кучди.

Самбо юлдузлари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ҳам муросасиз курашларга бой бўлди. Унда ҳамюртларимиздан Акобир Қурбонов, Дамир Муҳидов, Шавкат Жўраев ва Дмитрий Каменский биринчи ўринни қўлга киритди. Қизлардан Дилором Қамбарова ғолиб бўлди.

**(ЎзА)**

### *Ижтимоий ҳимоя*

***Муаммоларни рўкач қилиш билан мурод ҳосил бўлмайди. Аксинча, излаган имконият топади, деганларидек, меҳнаткашлар билан бақамти туриб муайян мақсадлар сари интилаётган ташкилотлардагина ютуқлар кўзга ташланади. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Ховос туман кенгаши фаолиятида ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин.***

## ХОДИМ МАНФААТИ КАФОЛАТЛАНДИ

Мавқега эришишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис тармоқ кенгаши соҳада юз берган ислоҳотлар, янгиланиш жараёни ташкилотчиси, ташаббускорлари қаторидан ўрин олишга интилди. Хусусан, хўжаликлар мулк шакли ўзгариш жараёнида фаолият доираси янгиланган, айни чоғда илгаригидан кучлироқ бошланғич ташкилотларга тамал тоши қўйилди. Бу эса меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашни яхшилаш баробарида меҳнат муносабатларида таранг вазиятлар юзага келиши олдини олди. Энг муҳими, касаба уюшмага аъзо бўлганлар фаолиятига чек қўйилган хўжаликлардан меҳнат улушини тўлалигича олишга эришди. Қарздорликка барҳам бериш, ходимлар манфаати устиворлигини таъминлаш касаба уюшма нигоҳидан бир зум ҳам четда қолмади.

Шу ўринда, ўтган беш йилга бир назар ташлайлик. Туман ҳокимлиги тармоқ касаба уюшма кенгаши ўртасидаги келишувга мувофиқ режалаштирилган барча масалалар ижобий ечим топди. Жумладан, меҳнаткашларга ҳақ тўлаш борасидаги муаммоларга барҳам берилди. Кейинги беш йилда дала ишчиларига 3 минг тоннадан ортиқ ғалла, 20 тоннадан ортиқ пахта ёғи, 40 тонна ун ва гуруч маҳсулотлари тарқатилди. Меҳнаткашларнинг талаб ва истаклари асосида газ ва электр энергияси учун 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказилиб, аҳолининг бу борадаги қарздорлиги сезиларли равишда камайди.

- Туманимизда 50 дан зиёд кичик корхона, 4 та ҳиссадорлик жамияти, юздан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритаётир, - дейди тармоқ ходимлари касаба уюшма туман кенгаши раиси Абдураим Бойсариев. - Барча бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб, аниқ мақсад сари ҳаракат қиляпмиз.

Ходимларга дам олиш ва хавфсиз иш шароити яратиш, уларнинг қўшимча имтиёзлардан фойдаланишини таъминлаш борасида бошланғич ташкилотлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳудуддаги республика «Агрокимё» захира базасида ишловчилар бепул тушлик, нонуштада сут-қатиқ билан таъминлаб келиняпти. Корхона иссиқхонасида сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, жамоа манфаати учун ишлатилмоқда. Ходимлар махсус ишчи коржомалари, пойабзал билан таъминланган. Ойлик маошга 30 фоизлик устама белгиланган. Иш ўринлари бехатарлиги таъминланяпти. Тумандаги машина-трактор парклари, деҳқон-фермерлар уюшмалари устахоналарида ҳам бепул тушлик ташкил этилишига эришилган. Шунингдек, Жиззах насос бошқармасида ҳам ходимлар қатор имтиёзлarlардан фойдаланиб келишмоқда.

Меҳнаткашлар маданий-маърифий савиясини ошириш, қишлоқ кишилари дам олишини ташкил этиш ҳам касаба уюшма эътиборидан четда қолмаяпти. Ташкилотга қарашли «Янгиер» деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудидаги маданият саройи замон талаби даражасида жиҳозланган. Бу ерда тез-тез турли маданий-маърифий тадбирлар, концерт ва кино томошалари ташкил этилади. Шунингдек, «Гулбаҳор» қўрғонида 4 минг ўринли стадион, теннис корти қурилиб, меҳнаткашлар ихтиёрига топширилди. Туман қишлоқларидаги 14 та ҚВП янгитдан қурилиб, замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланди. Маҳаллий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли спорт мусобақаларини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Чунончи, ҳар йили ўтказиб келинаётган хотира турнирлари чинакам чиниқиш мактаби бўлмоқда.

**Ш.НУРИЛЛАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЯРМАРКА САМАРАЛИ ЎТДИ

Яқинда Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Хива туманида истиқомат қилувчи бир неча юзлаб киши доимий ҳамда яхши ҳақ тўланадиган иш билан таъминланди. Бундай имконият меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлими томонидан маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва «Маҳалла» жамғармаси бўлими кўмагида ташкил этилган иш ўринлари ярмаркаси туфайли яратилди.

Шуниси эътиборлики, ярмаркада 450 га яқин бўш иш ўрнини тақдим этган 26 та корхона, хўжалик ва турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар орасида бир нечта хусусий фирма ҳамда фермер хўжаликлари фаол иштирок этди.

- Бу бежиз эмас, - дейди ЎзА мухбирига Хива тумани ҳокими Матёқуб Мадаминов. - Келажакда янги иш ўринлари янада кўпаяди. Масалан, ҳозир қадимги шаҳарда сайёҳлик инфратузилмасини кенгайтириш, унинг коммунал хизматларини такомиллаштириш, ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ишларни амалга оширмоқдамиз.

### *Тадбиркорлик — давр талаби*

Яқинда бир ишчи билан суҳбатлашиб қолдим. Гапининг мазмунига кўра ишлаётган корхонаси банкротга учраган экан.

— Қани энди корхона гумбурлаб ишлаб турса. Ойлик ҳам ўз вақтида бўлиб турарди. Соғломлаштириш ва шунга ўхшаш тадбирлар ҳам рисоладагидек уюштирилишига нима етсин.

Унинг бу фикрини эшитиб, ўйланиб қолдим. У орзу қилаётган корхоналар оз эмас. «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти шулар жумласидандир. Кейинги йилларга келиб мазкур корхонада туб ўзгаришларга асос солинди. У мамлакатимизда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган етакчи корхонага айланди. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2002 йилда 168 миллион дона шифер тайёрланган бўлса, 2004 йилга келиб бу рақам 175 миллион донани ташкил этди. Даромадга яраша буромад деганларидек, тўланаётган дивидентлар ҳажми ҳам ошиб бораяпти. 2002 йилда ҳар бир акцияга 2450 сўмдан дивидент тўланган бўлса, ўтган йили бу рақам 3000 сўмга етди. Корхонада ишчи-хизматчиларнинг маошлари ҳам йил сайин ошмоқда.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Агар корхонада айни пайтда мингдан зиёд киши ишлаётганлигини ҳисобга олсак, ўртача ҳар бир ишловчига 400 минг сўмдан зиёд маблағ ижтимоий ҳимоялаш учун сарфланди. Корхонада тузилган жамоа шартномасига асосан ёш келин-куёвлар ёки ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар республикамизда белгиланган энг кичик иш ҳақининг ўн баробари миқдорида моддий ёрдам олишмоқда. Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига маблағнинг эллик фоизини маъмурият, қолганини эса касаба уюшма ташкилоти ажратяпти.

## ДИВИДЕНД КОНИ ФОЙДА

Ҳиссадорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари мамлакатимиз ҳудудидаги санаторийларга йўлланмалар ҳақини атиги 40 фоизини тўлашяпти, холос. Умумхалқ, касб байрамларида жамоа аъзоларига муттасил равишда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Айниқса, корхона ёшларини ўқитиш ва қайта ўқитишга алоҳида эътибор бериляпти. Ўтган йили биргина шу мақсад учун 8 миллион сўм сарфланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Корхонада маданий-маърифий тадбирлар ҳам талаб даражасида. Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти томонидан муттасил равишда адабиёт ва санъат намоёндалари билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, шоирлар Мирпўлат Мирзо, Маҳмуд Тоировлар билан яқинда бўлиб ўтган учрашув йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Айни кунда корхона касаба уюшма ташкилотида 1008 нафар аъзо ҳисобда туради. Бир касаба уюшма гуруҳи, 12 та цех касаба уюшма ташкилоти мавжуд. Уларда муттасил равишда жамоа шартномасининг бажарилиши таҳлил этиб борилади. Шунингдек, корхонада меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Бунда касаба уюшма қўмитаси қошида очилган «Ҳуқуқий маслаҳатхона»нинг хизмати катта бўляпти. Кейинги йилларда бу ерга 500 нафарга яқин меҳнаткаш мурожаат этди. 12 кишининг меҳнат ҳуқуқи тикланиб, ўз ишига қайтди.

Касаба уюшма ташкилоти меҳнат муҳофазаси масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Бу мақсад учун сарфланаётган маблағ ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ишчиларни махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш мажлисларда мунтазам муҳокама этиляпти. Шу сабабли ҳам кейинги йилларда бирон-бир бахтсиз ҳодиса рўй бермади.

Айни пайтда корхона ҳудудидаги тиббиёт шаҳобчаси кенгайтирилиб, таъмирдан чиқарилди. Эндиликда ҳар йили ишчи-хизматчилар бу ерда тиббий кўрикдан ўтишмоқда.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди*

***Вазирлар Махкамаси йиғилишида мамлакат ипакчилигининг аҳволи чуқур таҳлил этилиб, давлат томонидан кўрилган қўллаб-кувватлаш чора-тадбирларига қарамай, тармоққа раҳбарлик қилишда ҳамон эски усул ва услуб сақланиб қолаётганлиги, иқтисодий ислоҳотлар жуда секинлик билан амалга оширилаётганлиги танқид қилинди.***

## ПИЛЛАЧИЛИК: МУВАФФАҚИЯТ ТУТЗОРЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Ипакчилик - республика иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири. Ҳар йили тайёрлов ташкилотларига ўрта ҳисобда - 720 тонна "кумуш тола" етказиб бераётган Қорақалпоғистонда пиллачиликнинг бугунги аҳволи талаблар даражасидами? Пиллакорларни иқтисодий рағбатлантириш, моддий манфаатдорлигини ошириш қандай йўлга қўйилган?

- Республика ҳукуматининг қарорлари асосида ипакчилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва уни янада барқарор ривожланишини таъминлашга доир аниқ дастур тузиб чиқилди, - дейди "Пилла" акциядорлик бирлашмаси раиси Б. Холмуратов. - Асосий эътибор ипакчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва энг муҳими, пилла етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилди.

Муносиб рағбат топган иш баракали бўлади. 12500 та пиллачилик звенолари тузилиб, мавсум олдидан уларга 171,4 миллион сўм нақд пул тарқатилди. Рўй берган табиат қийинчиликларига қарамай, Оролбўйида "кумуш" толадан юқори сифатли мўл ҳосил етиштирилди.

Қорақалпоқ пилласи тола чиқиши юқорилиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Республиканинг Тўрткўл туманида 1540 та пиллачилик звеноларида ипак қурти агротехника талабларига мувофиқ парваришланиб, режадагидан анча кўп-118 тоннадан зиёд пилла етиштирилди. Пиллакорлар тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётгани муваффақиятга эришишнинг бош омили бўлди. Звеноларга 37,5 миллион сўм бўнак пули ва керакли жиҳозлар тарқатилди.

Тумандаги Шароф Рашидов, И. Эламонов номли, "Уллибоғ" ширкат, "Хива", "Қурбонбой бобо" каби фермер хўжаликларида бўлиб, Саломат Аннаева, Ойна Отабоева, Шакар Абаева сингари илғор "кумуш тола" ижодкорлари билан суҳбатлашганимизда, пилла харид нархи оширилиши, иш ҳақидан солиқларга имтиёзлар берилиши ва хўжалик жиҳозларини арзон нархда сотиб олиш хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қурт боқиш мавсуми қисқа муддатли, айни пайтда масъулиятли ва машаққатли иш. Беруний тумани кумуш тола ижодкорлари барча қийинчиликларни енгиб, 106 тонналик хирмон кўтардилар. Бултур "Шобоз", А. Навоий, Абай номли ширкат, "Комил Хидиров", "Ҳалимахон ипакчи" деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди. Эришилган улкан муваффақиятлар Рима Худойназарова, Зулхумор Сапаева, Муҳаббат Шерегенова каби фидойи агрономлар, Моҳира Абдуллаева, Сайёра Қўчқорова, Аноргул Собирова, Сайёра Рўзиева, Шукур Қурбонбоева сингари пиллачилар меҳнатининг самарасидир.

Республикада пиллачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Ҳозирги пайтда 2 миллион 814 минг дона ҳосил берадиган тут дарахтлари бор. Бу йил 400 минг дона кўчат етиштирилиб, Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё, Хўжайли ва Кегайли туманларида 40 гектаргача тутзорлар барпо этилди. Тут плантациялари 159,5 гектарга етказилди.

Ипакчилик ривожи учун тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам бор. Пиллачилик звеноларининг иқтисодий манфаатдорлигини ўйлаб иш тутиш керак. Масалан, хориждан келтирилган ипак қурти уруғининг ҳар қутиси ўн минг сўмдан ошиб кетади. Пилланинг харид нархи эса арзон. Сарф-харажатлар чиқариб ташланса, қурт боқувчига жуда оз маблағ қолади.

Ҳамма гап моддий манфаатдорликда. Рўзғор баракаси, турмуш фаровонлиги - иқтисодий рағбатга боғлиқ. Меҳнати қадр топган кишининг руҳияти баланд, кайфи чоғ, иши баракали бўлади. Шу боис ечимини кутиб турган муаммолар ҳал этилса, маҳсулот кўпайиб, сифати яхшиланади.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**



# «БЕРУНИЙТЕКС»НИНГ ИЛК ОДИМИ

Яқинда Беруний туманида «Берунийтекс» Ўзбек-Олмон қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. У йилига 4200 тонна калава ип ишлаб чиқариш имкониятига эга. Тайёрланган калава ипдан 1800 тонна трикотаж маҳсулоти ҳамда бир миллион погоно метр хом сурп мато ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Қўшма корхонанинг лойиҳа қиймати 8 миллион 72 минг евро, низом жамғармаси эса 2 миллион 151 минг еврони ташкил қилади. У Германия ҳамда Чехиядан келтирилган технологиялар асосида маҳсулот чиқаряпти.

– Қўшма корхона иш бошлагач, 96 иш ўрни яратилди, - дейди бош менежер Болтабой Жуманиёзов. – Бу эса унинг равнақига муҳим омилдир. Бу ерда ишчиларга қулай шароит яратилди. Хусусан, уларнинг ишлаши, дам олиши, махсус автобус билан таъминланиши эътиборга лойиқ.

«Берунийтекс» шу йилнинг март ойидан бошлаб тўла қувват билан фаолият юрита бошлади. Бу ерда май ойигача 913 тонна калава ип тайёрланди ва шундан 225 тоннаси 335 минг АҚШ доллари қийматида экспорт қилинди.

Корхона маҳсулотини Туркия, Польша, Россия, Швеция, Жанубий Корея давлатларига экспорт қилишни режалаштирмоқда.

**Суратларда: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Б.АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган суратлар**



## Табиат ва инсон

***Мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилиш масаласига катта эътибор бера бошланди. Дастлаб табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонун қабул қилинди. Унда табиатни сақлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари белгилаб берилди. 1988 йилдан бери вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз фаолиятини ана шу ҳужжатларда белгиланган тамойилларга қатъий риоя қилган ҳолда олиб бораяпти.***

# АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ
## долзарб вазифа

Экологларимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва жамоат уюшмалари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Шу туфайли экологик ҳолатлари жуда ташвишли бўлган қатор ҳудудларда аҳвол бирмунча яхшиланди. Бўстонлиқ, Бўка, Паркент, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ туманлари шулар жумласидандир. Бироқ, Оҳангарон воҳасида жойлашган шаҳарлар ва туманларда, Чирчиқда ҳукм сураётган экологик аҳвол ҳамон қаноатланарли эмас. Бу ҳудудларда ишлаб турган йирик саноат корхоналари атроф-муҳитни энг кўп даражада ифлослантирувчи манбаалар ҳисобланади. Ҳавога чиқаётган зарарли моддаларнинг 70 фоизи улар улушига тўғри келмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда 6 та минтақавий ва 10 та туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида ўтказилган тадбирлар эвазига атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори ва очиқ сув ҳавзаларига ташланаётган ифлосланган сувлар миқдори қарийб уч бараварга камайди.

Муҳим масалаларнинг яна бири, сув таъминотини яхшилаш ва унинг софлигига эришишдир. Асосий сув манбаалари бўлган Сирдарё, Оҳангарон ва Чирчиқ дарёлари, сув омборлари софлик даражаси доимий назоратга олинган. Бундан ташқари, вилоятимиз ҳудудидаги 5 та ерости чучук сув ҳавзаларидан халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун фойдаланилади. Ҳар йили халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 5500 миллион метр куб сув ишлатилади. Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашда ходимларимизнинг хизматлари катта. Қўмитанинг маҳаллий жамғармасидан бу тадбирлар учун 37 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш нозирлиги томонидан Вилоятда учрайдиган доривор ўсимликлар ва уларнинг муҳофазаси, йиртқич ҳайвон ва қушлар муҳофазаси тўғрисида мажлислар ўтказилди. Маълум бўлишича, вилоятда 700 тур шифобахш гиёҳлардан 46 тасидан махсус рухсатнома билан фойдаланиш йўлга қўйилган. Нозирларимиз жойлардаги назорат ишларини кучайтириб, рухсатсиз ва махсус тайёргарлиги бўлмаган шахслар томонидан табиий ресурслардан фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўрмоқдалар.

Вилоят, минтақа ва туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари экологик мавзулар бўйича жойлардаги кўрик-танловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича керакли амалий ёрдамларни кўрсатмоқдалар.

**Т. ИРГАШЕВ,**
**Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси**

# ЎРИМ БОШЛАНДИ

***Бу йил 105 минг 500 гектар майдонда буғдой парваришлаб, 263 минг 400 тонна ғалла сотишни режалаштирган фарғоналик ғаллакорлар ўримга киришди.***

Барча туманларда ўрим мавсумига катта тайёргарлик кўрилди. Машина-трактор паркларида мавжуд техника барвақт таъмирдан чиқарилди. Мавсумга вилоят бўйича 400 та комбайн жалб этилган.

Айни кунларда Риштон, Олтиариқ ва Тошлоқ туманларида ўрим мавсуми сифатли ва тез олиб борилмоқда. Дон қабул қилиш шохобчаларида иш қизғин. Бунинг учун «Фарғонадонмаҳсулотлари», «Қувадонмаҳсулотлари» каби корхоналар томонидан тегишли шарт-шароит яратилган.

**(ЎзА)**

## Тармоқ касаба уюшмаларида

***Касаба уюшмаларининг устувор вазифаси меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш. Хўш, шундай экан, бу борада жойларда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Эришаётган ютуқлар нималарда ўз аксини топаяпти? Хусусан, қуйи ташкилотларда ечимини кутаётган қандай муаммолар бор? Ана шулар хусусида вилоятдаги қатор ташкилотлар мутасаддилари фикрини ўргандик.***

# СЕРФАРЗАНД ОИЛАЛАРГА
## доимий мадад

**Алишер ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг Сирдарё вилоятидаги вакили.**

— Соҳадаги кенг қамровли янгиланиш фаолият доирамизни кенгайтириб қолмасдан, масъулиятимизни ҳам оширди. Энг муҳими, босиб ўтилган йўлга теран назар ташлаш, истиқбол режаларини белгилаш имкониятига эга бўлдик. Таъкидлаш жоиз, собиқ қўмита билан вакиллик ўртасида тафовут анча. Хусусан, таъсир доиралари кенгайди. Ўтган фурсат бошланғичлар фаолиятига баҳо берилиб, улар ишлари чуқур таҳлил қилинди. Тармоқдаги 118 та бошланғич ташкилот етакчиларининг қарийб тенг ярми етакчи мавқега эга бўлолмаганини вақт кўрсатди. Улар ўрнига шижоатли, ғайратли, одамлар орасида обрў-эътиборга эга бўлган ёшларни жалб этганмиз.

Бошланғичлар ишини жонлантиришга эътибор қаратаяпмиз.Ўтган даврда вилоятдаги Тадбиркор банк, Боёвут туман ҳокимлиги, Сайхунобод, Ховос туманлари ижтимоий таъминот бўлимларида аёлларга бериладиган имтиёзлар ва кафолатларнинг қўлланилиши, ходимларнинг манфаатларига боғлиқ меъёрий ҳужжатларнинг қонун талабларига мувофиқлиги ўрганилиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Фуқаролар ижтимоий муҳофазаси, кам таъминланган, меҳнатга яроқсиз аҳоли ва ногиронларни муҳофазалаш, уларга маънавий-моддий кўмак беришга эътибор қаратганмиз. Ўтган йилда касаба уюшма бюджетидан ана шу мақсадлар учун 248 минг сўм маблағ сарфланди. Тармоқ корхоналарида хизмат қилаётган 8 та кам таъминланган оила ва 2 нафар ногиронга 196 минг сўмлик мадад кўрсатилди. “Саховат уйи” қарияларига 125 минг сўмлик озиқ-овқат, “Мурувват уйи” ногиронларига эса шунча миқдордаги маблағдан кўмак бердик. Уруш қатнашчилари, серфарзанд оилалар ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

Спорт-соғломлаштириш ишларини жонлантираяпмиз. Тармоқда футбол, волейбол, шахмат-шашка, қисқаси чиниқишнинг 8 тури бўйича мўлжалланган беллашувлар ташкил этиб келаяпмиз. Битта маҳаллада спорт хонасини ташкил этиб, қишлоқ ёшлари саломатлигини муҳофазалашга ҳисса қўшиб келаяпмиз. Қисқа қилиб айтганда, ташкилотимиз меҳнаткашларга якдил, ҳамкор, маслаҳатчиси, суянчига айланиб улгурди.

**Ҳасан ЭРГАШЕВ,**
**Ховос автомобил йўлларидан фойдаланиш пудрат ташкилоти цех касаба уюшма ташкилоти етакчиси.**

— Ташкилотимизда касаба уюшманинг ўзига хос ўрни бор. Муҳими, ҳар бир ходим жамоат ташкилотига суянади. Биз астойдил йўлларни таъмирлаш, тартибга солиш билан бир пайтда асфалт ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланиб келамиз. Ўтган йили 49 минг тонна асфалт ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган эдик. Бу йил ушбу кўрсаткични уч баробарга кўпайтиришни режалаштирганмиз.

Касбим оддий ишчи. Тегирмонда тош майдалаш, асфалт ишлаб чиқариш учун хомашё заҳирасини яратиш билан шуғулланаман. Ҳамкасбларим менга катта ишонч билдириб цех етакчилигига сайлашди. Бу эса менга алоҳида масъулият юклайди. Биз ходимларни ижтимоий муҳофазалаш билан бир чоғда таълим муассасалари, кам таъминланган хонадонларга ҳам ҳомийлик қилиб келаяпмиз. Корхонамизда айнан бу вазифа касаба уюшма ташкилотига юклатилган. Бу эса ташкилотни одамларга янада яқинроқ бўлиб, улар ташвишига шерик бўлиш имконини яратиб келаяпти.

**Раъно РАҲИМОВА,**
**республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари малака ошириш маркази Гулистон филиали бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси.**

— Вилоятимизнинг турли ҳудудларидан келган ўрта тиббиёт ходимлари билан ишлаймиз. Улар нафақат касб маҳорати, балки ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси хусусида ҳам билимларини оширишади. Касаба уюшма хонасидан барча саволларга жавоб олиш шароитини яратганмиз. Ташкилотимиз тингловчилар дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлашига масъул.

Маъмурият ва касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномаси мажбуриятларини бажариб келаяпмиз. Жамоада меҳнат қиладиган ходимларнинг дам олиши, саломатликларини муҳофазалаш учун барча имкониятлар яратилган.

**Солижон ТОШБОЕВ,**
**“Гулистонэкстрактёғ” ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Корхонамизда соғлом меҳнат шароитини яратиш асосий мақсадга айланган. Қатор йилдирки, бахтсиз ҳодисалар, кўнгилсизликларга чек қўйилди. Бу эса ишда юксак унумни таъминлаяпти. Кейинги тўрт йилда ходимларнинг манфаатдорлик даражаси тўрт баробарга ошди.

Ўз сиҳатгоҳимиз мавжуд. Бу ерда корхона ходимлари керакли муолажани олиши, сафга тезда қайтиш имкони яратилган. Аммо, бу билан чекланиб қолмаяпмиз. Замонавий муолажа воситалари, тажрибали шифокорларга эга вилоят реабилитация-соғломлаштириш маркази билан шартнома имзолаганмиз. Ҳар йили 20-25 нафар атрофидаги ходимларни ана шу марказда соғломлаштиришга муваффақ бўлаяпмиз.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

***Бағдод тумани марказий деҳқон бозори айни пайтда ҳар қачонгидан гавжум. Тиним билмас, меҳнат машаққатини ҳузур деб билгувчи деҳқонлар шахсий томорқада етиштирилган маҳсулотларни ўз вақтида аҳоли дастурхонига тортиқ этишаётир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамияти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг бозорлар фаолиятини ривожлантиришга оид қарор талаблари кўнгилдагидек адо этилаётир.***

# ДЕҲҚОН
## далага талпинади

– Бугунги кунда бозоримизда 1000 нафардан ортиқ деҳқон-тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда, - дейди жамият раиси Ўктамжон Эгамов. – Уларга маъмурият томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, бозор ҳудудида кўп ўринли замонавий, қулай савдо расталари барпо этилди, баъзилари таъмирдан чиқарилди. Бу ерда аҳоли талаб-истакларини ҳисобга олган ҳолда иш ташкил этилган.

Салкам икки гектар майдонни ўз ичига олган ҳудудда бу йил яна қўшимча 60 метрли янги савдо растаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Имкониятдан келиб чиқиб, акциядорлик жамияти яна янги савдо расталари ҳисобига кенгайтирилмоқда. Айни пайтда 20 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилаётир. Уларнинг барчаси махсус иш кийимлари билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, бозорда санитария ҳолатлари ҳам талаб даражасида. Бу ерда сотилаётган маҳсулот сифати истеъмолга яроқлилигини аниқлаш бўйича туман ДСЭНМ ходимлари белгиланган график асосида иш олиб боришаяпти.

– Аҳоли саломатлигини сақлаш – энг муҳим вазифалардан саналади, - дея суҳбатни давом эттирди ДСЭНМ ходими А.Ашуров. – Энг аввало ҳудудни тоза, озода тутишга эътибор қаратганмиз. Бозорга келтирилган ҳар қандай маҳсулот ходимларимиз томонидан лабораторияда махсус текширувдан ўтказилиб, сўнг сотишга рухсат этилади. Энг асосийси сифат сертификатига ва истеъмолга яроқли бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишига йўл қўйилмаяпти. Бу борада туман солиқ инспекцияси ходимлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилаяпти.

Акциядорлик жамияти бошқаруви аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиш билан бирга шу ҳудудда яшовчи якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатишдек савобли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Жумладан, туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан бириктирилган 11 нафар ёлғиз қарияларга ўтган йили салкам 300 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди. Тумандаги 51-мактаб ҳам маъмурият оталиғига олинган бўлиб, ҳар йили ўқув маскани жорий таъмирдан чиқариб берилади. Шу ерда кўп йиллар давомида ишлаган, ўзининг ҳалол меҳнатлари билан кўпчиликка ўрнак бўлган, II жаҳон уруши қатнашчиси Омонбой Норматов, меҳнат фахрийси У.Эшоновлар маъмурият оталиғига олинган. Уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиниб, моддий ва маънавий кўмак бериб турилади.

Жамият хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб келаётир. Масалан, вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ўтган йил 300 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Жорий йилда эса 200 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир байрам тадбирлари жамоада кўтаринки руҳда нишонланади. Ходимларнинг туғилган кунларида уларга эсдалик совғалари топширилади. Уларнинг саломатлигини муҳофазалаш, фарзандларини соғломлаштириш борасида қайғурилади. Жорий йил мавсумида ҳам болаларни вилоят ҳудудидаги энг хушманзара, баҳаво дам олиш масканларига юбориш мўлжалланган.

Ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор бериб келинаётир. Хусусан, Наврўз байрами арафасида 100 тупдан ортиқ терак ва гул кўчатлари ўтқазилди. Тумандаги 10 дан ортиқ фермер хўжаликларига мунтазам равишда кўмак бериб борилмоқда. Шу йилги баҳор мавсумида икки марта шанбалик уюштирилиб, зовур ва ариқлар тозаланди, атроф-ҳудуд озода ҳолга келтирилиб, ободонлаштирилди.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ФИДОЙИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

***Пилла қимматбаҳо саноат хомашёсидир. Шу боис кейинги йилларда Хатирчи туманида сифатли «кумуш тола» етиштиришга катта эътибор қаратиб келиняпти. Натижада хатирчилик пиллакорлар йиллик тайёрлов режаларини ортиғи билан уддалаб келишмоқда.***

- Бу йил пиллакорларимиз 178 тонна хомашё етиштиришни зиммаларига олган эди. Шу мақсадда 3800 қути ипак қурти парваришланди, - дейди «Пилла хазинаси» хусусий корхонаси раҳбари Тоштурди Маманов. - Айтиш жоизки, ширкат ва фермер хўжаликларида пилла мавсумига катта тайёргарлик кўрилди. Натижа чакки бўлмади. Белгиланган шартномавий режа ортиғи билан бажарилди.

Дарҳақиқат, туман пиллакорларининг заҳматли меҳнати натижасида қабул пунктларига 190 тонна сифатли хомашё топширилди. Бунда, айниқса Алишер Навоий, Амир Темур, Ибн Сино, Э.Абдиев, А.Пўлатов, А.Ёрлақабов номли ҳамда «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари ва фермерлар уюшмаларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар бир қути ипак қуртидан ўртача 60-65 килограммдан маҳсулот олишди. «Эл-2000», «Бирлик», «Фирдавс-тонг» каби фермер хўжаликларида эса 70 килограммдан хомашё тайёрлашга муваффақ бўлинди.

Хатирчиликлар 200 тонна «кумуш тола» етиштиришни режалаштиришган. Бунинг учун барча имконият мавжуд.

**А.НОРБОЕВ**

## Бир Фармон шарофати

***Президентимизнинг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Фармони талаблари Қорақалпоғистонда қандай бажарилмоқда?***

# ОРОЛБЎЙИ
## улкан бунёдкорлик майдони

Бугунги кунда Оролбўйи улкан бунёдкорлик майдонига айланган. 345 километрли Навоий - Нукус темир йўли, Нукус билан Хўжайлини боғлайдиган улкан кўприк, Қўнғирот автомобил йўли, 243 километр узунликдаги Туямўйин - Нукус, 112 километрли Нукус - Тахтакўпир сув узатиш тармоқлари, ўнлаб қўшма корхона ва заводлар, газ конлари ишга туширилди.

Йилига 100 минг тонна калцийли сода ишлаб чиқарадиган улкан корхона қурилиши жадаллаштирилаяпти. Устюрт кенгликларига оқ кемадек ярашиб турган Элобод шаҳарчасида 20 дан ортиқ кўп қаватли турар-жой, кўплаб инфратузилма тармоқлари, мактаб, болалар боғчаси, спорт майдони, тиббий хизмат мажмуалари қад ростлади.

Ягона буюртмачи “Қорақалпоқинжиринг” компаниясидан маълум қилишларича, бултур республиканинг қурилиш- ускуналаш ишларига 14 миллиард 494,5 миллион сўм маблағ йўналтирилди. 34 та йирик иншоотлар ишга туширилиб, 13 миллиард 34 миллион сўм капитал маблағ молиялаштирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли саноат ва ижтимоий иншоотлар қурилишида 14 миллиард 559 миллион сўмлик иш амалга оширилиб, шартнома режаси 109 фоизга бажарилди.

Ёш авлоднинг билим ва малакасини ошириш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида 100 ўринли ётоқхонаси билан 7150 ўринли касб-ҳунар коллежлари қуриб битказилди. Тахиатош иқтисодиёт коллежи тўлиқ таъмирланиб, Қонликўл туманида 1020 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалик, Нукус шаҳрида 1050 ўринли олимпия заҳиралари коллежлари, 75 ўринли республика карсоқовлар мактаблари қурилди.

Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш, болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга эътибор оширилган. Элликқалъанинг Сарибий овулида, Хўжайли, Амударё, Кегайли туманида бунёд этилган замонавий спорт мажмуасида қадоқ қўл қурувчиларининг муносиб ҳиссаси бор.

Аҳолини табиий газ, сифатли ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб келаяпти. Республика марказидан анча олисда жойлашган Қораўзак туманининг “Шеринбетовул” қўрғони, Чимбойнинг “Оржан”, “Кўксу”, Мўйноқ туманининг “Амударё” овуллари хонадонларида “зангори олов” ёнди. Тўрткўлдаги “Шўрахон”, Нукус туманидаги “Тўхтау”, Хўжайлигидаги “Тубекўл”, “Агарту” аҳоли яшаш масканларига тоза ичимлик суви етиб борди.

Оролбўйи аҳолиси саломатлигини муҳофазалаш, тиббиётнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Республикадаги 123 та қишлоқ врачлик пунктларининг 108 таси “Саломатлик-1” лойиҳаси асосида қурилди. Жорий йилда ҳар бири 50 ўринли 13 та овул врачлик маскани янгидан қурилиб, 12 таси таъмирланади.

Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш қай аҳволда? Буни Нукусдаги “Қаттиқоқар”, “Темир бетон заводи” акциядорлик жамияти мисолида кўриш мумкин. Бундан икки йил муқаддам банкротлик ёқасига бориб қолган корхона давлат акция пакетининг 61 фоизини “Илҳом қурилиш” хусусий фирмаси харид қилди.

Тадбиркорлик самара берди. Акциядорлик жамиятида 287 миллион сўмлик рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, қолоқлик доғи ювилди. Юртбошимизнинг “Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони бўйича жамоада ички бозорни маҳаллий хом-ашё билан таъминлаш дастури тузилди. Бундай мисолларни яна ҳам келтириш мумкин.

Ўтказилган тендер савдоларида асосий эътибор қурилиш сифатини яхшилаш, бажариладиган ишлар нархини арзонлаштиришга қаратилаяпти. Ана шу ҳисобига 930 миллион сўм маблағ иқтисод қилиб қолинди.

Жорий йилда 60 та умумтаълим мактабини қуриш ва таъмирлаш учун 10 миллиард 675 миллион сўм маблағ йўналтирилди. 5 та мактаб янгидан қурилса, 32 таси мукаммал таъмирланади. Умуман 24478 ўринли илм масканлари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси иншоотлари қурилишига 767 миллион сўм маблағ ажратиш белгиланган.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари, соғлиқни сақлаш ва коммунал маиший иншоотлар қурилишига марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан 12 миллиард 225 миллион сўм ажратилганлиги Оролбўйида қурилиш ишлари самарадорлигини кафолатлайди.

Қурилиш сифати ва суръати устидан қатъий назорат ўрнатилган. Таъмирланаётган 6345 талабага мўлжалланган касб-ҳунар коллежлари, 600 ўринли ётоқхоналар, янгидан бунёд этилаётган 2085 ўринли (150 ўринли ётоқхонаси билан) касб ҳунар коллежлари бинолари янги ўқув йили бошлангунга қадар битказилади. Амударё туманининг Назархон овули ва Қораўзак тумани туғруқ мажмуаси, ўндан ортиқ спорт иншоотлари қурилиши жадал суръатларда олиб борилаяпти.

**И. ИСОМИДДИНОВ**

# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ МИЖОЗНИ ЧОРЛАЙДИ

***Иштихон туманидаги «Ал-Носир» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилганига беш йил бўлди. Шу фурсат ичида корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқаргани ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатгани боис вилоятдаги турдош корхоналар орасида мустаҳкам мавқе эгаллади.***

Аслида 1992 йилда чигитни қайта ишлаш мақсадида барпо этилган бу корхона бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беролмай, инқироз кўчасига кириб қолганди. 2000 йилнинг охирида уни оёққа турғазиш учун Россия билан қўшма корхона тузишга қарор қилинди.

- Натижада 150 минг АҚШ доллари миқдорида устав фонди билан иш бошладик, - дейди қўшма корхона раҳбари Ваҳоб Сулаймонов. - Шунинг ўттиз фоизини зиммасига олган россиялик ҳамкорларимиз техника ва қурилиш анжомларидан кўмак берди. Эндиликда корхона бир суткада 70 тоннагача чигитни қайта ишламоқда.

Бу ерда қарийб 50 нафар ишчи меҳнат қилади. Ўтган йил мобайнида қўшма корхона 637 миллион сўмлик маҳсулот сотди ва тўқсон миллион сўмдан зиёдроқ даромад кўрди. Жорий йилда 223 та ширкат ва фермер хўжаликлари билан уларнинг чигитини қайта ишлаб бериш учун шартнома имзоланди.

Корхонанинг нафақат Самарқандда, балки қўшни Навоий вилоятида ҳам анчагина мижозлари бор. Бу эса унинг мавқеи янада мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

*Ҳарбий хизмат — муқаддас бурч*

***Куролли кучларимиз сафларида Ватанимиз манфаатларига садоқатли, сарҳадларимизни, муқаддас заминимизни кўз қорачиғидек асрашдек шарафли бурчни ўз зиммасига олган муносиб ўғил-қизлар хизмат қилмоқда.***

# МАРДЛИК ВА САДОҚАТ

## қалбларда Ватан ишқи

Шу куни Талимаржон шаҳридаги ҳарбий қисм ҳарбийлар, жамоат ташкилотлари, ота-оналар, фахрийлар билан гавжум бўлди. Бу ерда зобитлар ва аскарлар ҳамда халқ вакилларининг ҳамкорлик учрашуви ўтказилаяпти. Армия сафига янгитдан қабул қилинган ёшлар қалбида бир олам қувонч.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси баралла янграйди. Аскарларни Қарши магистрал канали ва насос станциялари бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоир Рустам Очилов, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Нусрат Раҳимова, маданият саройи директори, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» Мурод Ҳазратқулов, Қашқадарё чегара қўшинлари бошлиғи, подполковник Авазбек Бўриев ва бошқалар самимий қутладилар.

«Маржон» бадиий ҳаваскорлик дастаси иштирокчилари томонидан янграган дилрабо қўшиқлар, серзавқ рақслар даврага ўзгача руҳ бахш этди.

Катта дошқозонда дамланган ош дастурхонга тортилди. Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари давра қатнашчиларига ўзларининг босиб ўтган сермазмун ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб бердилар.

Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ҳарбий хизматга ҳар томонлама етук, жисмоний соғлом ва руҳан тетик, баркамол ёшлар танлаб олинди.

- Мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда обрў-эътиборли касбга айланиб бораётганлиги армиямиз нуфузини оширмоқда, - дейди биз билан суҳбатда Талимаржондаги ўқув пункти бошлиғининг ўринбосари, капитан Ўткиржон Тўхтасинов. - Ҳарбий қисмимизда турли вилоятлардан келган кишилар ўзларининг фуқаролик бурчларини ўтамоқда.

Олти йилдан бери армия сафида хизмат қилаётган Ўткиржон тажрибали ва талабчан офицер сифатида ном қозонган. Замонавий қурол-аслаҳа ва техникани ишлатишни аскарларга пухта ўргатиш билан бирга уларнинг жисмонан, маънавий соғлом ва интеллектуал жиҳатдан етук бўлиб вояга етиши учун астойдил жон куйдиради. Ўқув машғулотларини юқори савияда ўтказади. Кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, клуб аскарлар хизматида.

Наманган вилоятининг Қорабоғ қишлоғида туғилиб ўсган Акмал Ҳайиталиев армия сафига чақирилиши олдидан «Ватанпарвар» ташкилотида очилган қисқа муддатли курсда ҳайдовчилик касбини эгаллаган. Нияти муддатли ҳарбий хизмат тугаганидан сўнг шартнома асосида хизматни давом эттириш. Билимли, аълочи, интизомли аскар.

Бевосита жанговар фаолиятини, мураккаб ҳарбий техникани бошқариш, замонавий қурол-аслаҳаларни ишлатиш, доимо энг мураккаб синовларга шай туриш лозимлигини қалбдан ҳис этган Ўткирбек Зафаров ҳам ўрта мактабни тугатгач таэквондо тўгарагида қатнашиб мураккаб кураш сирларини ўрганди. Нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Эндиликда чегара қўшинлари сафида Ватан ва халқ олдидаги йигитлик бурчини адо этмоқда.

Фарғона вилоятидан чақирилган Иқболжон Мамажонов ҳам жисмоний ва руҳий тайёргарликда юртдошидан қолишмайди. Жисмида қудрат ва ғайрат, оловли қалбида ишонч ва садоқат, мардлик ва матонат, журъат ва жасорат шаклланган деҳқон фарзанди ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтамоқда.

- Ҳарбий хизматни бошлаш олдидан Ватанимга, халқимга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилиш учун қасамёд қилганман, - дейди оддий аскар И. Мамажонов. - Аждодларимиз ҳар қарич тупроқ, юрт озодлиги учун жон олиб жон берганлар. Уларнинг ҳаёт йўли, жасорати биз учун ўрнак ва намуна.

- Ҳар бир чегарачимиз ортида она юртимиз сарҳадлари, жондан азиз, волидасидек мукаррам, отасидек ғамхўр Ватани турганлигини қалбдан ҳис этади, - дейди чегара қисми ўқув пункти бошлиғининг ўринбосари У. Тўхтасинов. - Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз бахт-саодати учун биз ҳамиша ҳушёр ва сергак бўлишимиз лозим.

Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Таробий, Мирзо Бобурларнинг авлодлари ҳисобланган мард аскар йигитлар қуролли кучлар сафида ўз бурчларини виждонан ўтамоқдалар. Ҳарбий ҳаёт тарзи қатъиятли ва иродали, юксак интизомли бўлишни тақозо этади. Либослари ўзларига ярашган куч-ғайратли ёшларга боққан ҳар бир кишининг қалбида фахрланиш ва ғурур туйғуси жўш уради.

**ЁЛҚИН**

*Истиқбол эгалари*

***Истиқлол шарофати билан қишлоқ ҳудудларида ҳам шаҳардаги ўқув даргоҳларидан қолишмайдиган, барча қулайликларга эга бўлган касб-ҳунар коллежлари бунёдга келди. Жомбой туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ҳам ана шулар жумласидандир. 2000 йил қайта реконструкция қилиниб, янгидан фаолият бошлаган ушбу масканга «Осиё тараққиёт банки»нинг лойиҳаси асосида 78 миллион, Жанубий Кореядан эса 76 миллион сўмлик жиҳозлар келтирилди.***

# ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР

## ҳам қулай, ҳам самарадор

–Ўқув даргоҳида уй-рўзғор маиший хизмат жиҳозларини таъмирлаш, қандолатчилик, ошпазлик, новвойлик, газ-электр ускуналарини таъмирлаш ва бошқа йўналишлар бўйича кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Барча машғулотлар пухта тайёргарлик кўрилган ва кўргазмали қуроллар, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда, замонавий педагогик технология ва интерфаол усуллар асосида малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган ўз самарасини бермоқда. Хусусан, бу борада «Ақлий ҳужум», «Кичик гуруҳларда ишлаш» ва «Пенборд» каби бир қатор усуллардан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, физика, она тили ва адабиёт, давлат тили, хорижий тил, Ўзбекистон Конституцияси асослари, миллий истиқлол ғояси, тарих, кимё, биология, эстетика ҳамда информатика каби фанларни электрон дарсликлар билан ўтиш ташкил этилган. Ушбу машғулотлар тўлиқ компьютердан фойдаланган ҳолда, слайд, кодоскоп, видеоглаз аппаратлари ёрдамида олиб борилмоқда. Лингафон хоналари ҳам талабалар ихтиёрида. Натижада шу йилнинг ўзида вилоят олимпиадасининг турли йўналишларида 11 нафар ўқувчи иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллади. Республика бўйича ўтказилган «Мен меҳр ва мурувватни қандай тушунаман?» мавзусидаги кўрик-танловда 16-гуруҳ талабаси Наргиза Сувонова тенгдошлари орасида билим жиҳатидан устунлигини исботлаб, фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди.

Таълим жараёнини такомиллаштиришда муаллим ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, педагогларнинг ўз устиларида ишлашлари, билимларини мустаҳкамлашлари учун барча қулайликлар яратилган. Чунончи, Р.Ҳасанова, И.Неъматов, Ф.Рашидов ва З.Файзиевлар ушбу мақсадда Австралия ва Малайзияда малакаларини ошириб қайтдилар. Яна икки ўқитувчи бундай имкониятга эга бўлиш учун вилоятнинг саралаш босқичларидан ўтмоқдалар.

Талабалар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳавас қилса арзигулик шароитлар яратилган. 10,5 минг китоб фондига эга бўлган шинамгина кутубхона мавжуд. Ўқув қўлланмалари ва турли мазмундаги бадиий адабиётлар каталоглар бўйича маълум тартибда жойлашган. Коллеж қошидаги тўгараклар ҳам мунтазам ишлаб турибди. Ёшлар ўртасида бир неча бор «Заковат», «Иқбол», «Энг яхши китобхон», «Тасвирий санъат» ва «Гул сайли» каби кўрик-танловлар уларнинг вақтларини кўнгилли ўтказишлари билан бирга билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Коллежда таълим-тарбия ишлари юксак маданиятли, ватанпарвар, одоб-ахлоқли шахсни шакллантиришга қаратилган. Ўқув йили давомида учрашувлар, турли мавзуларга бағишланган кечалар уюштириб келинмоқда. Ҳар ҳафтанинг белгиланган кунлари маҳалла оқсоқоллари ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кексалар иштирокида «Нуронийлар ўгити» давра суҳбати ўтказиб келинмоқда. «Президент асарларини ўрганамиз», «Соғлом турмуш тарзи ва оила», «Гиёҳвандлик XXI аср вабоси» ва кўплаб қўшимча дарслар ташкил этилган. Бундай машғулотлар ёшларда яхши таассурот қолдирмоқда.

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш борасида турли мусобақалар ўтказилмоқда. Коллежда мунтазам фаолият кўрсатаётган спорт тўгаракларига 300 дан зиёд ўқувчи жалб қилинган.

Яна бир гап. Коллежни битирган ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан ҳам ижобий ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Унга кўра ҳудуддаги 15 та ташкилот ва корхоналар билан алоқа ўрнатилган. Ушбу ташкилотлар ўзларига керакли бўлган мутахассислар бўйича талабномалар тақдим этишади. Шунингдек, коллеж туманда ташкил этиладиган «Меҳнат ярмаркаси»да ҳам фаол қатнашиб туради.

**Р.МАҲКАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## САЁҲАТЛАР ЧОРЛАЙДИ

Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида тадбирлар кўлами кенгайиб кетди. Ўқувчи ёшлар ёзи бошланиши муносабати билан экскурсия-саёҳатлар ўтказиш дастури ишлаб чиқилди.

Ҳозир мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёш саёҳатчи ва ўлкашунослар станцияларида ҳам янги мавсум режалари тузиб олинди.

Ўртача 25 минг ўқувчи Тошкент шаҳри, 75 минг ўғил-қиз вилоятлар марказлари томонидан уюштириладиган туристик саёҳатларга жалб этилади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Шаҳрисабздаги тарихий ва маданий обидалар томоша қилинади.

Марказнинг экскурсия бўлими маҳаллий шароитни ҳисобга олиб сайр-саёҳатларнинг 30 га яқин йўналишини белгилади. Шу билан бирга республикамиздаги турли вазирликлар ҳамда маданият муассасаларига қарашли элликдан ортиқ нуфузли музейлар билан ҳамкорлик шартномаси тузилди.

## АФСОНАВИЙ ҚАҲРАМОН САҲНАДА

Республика қўғирчоқ театри репертуари янги асарлар билан бойиб бормоқда. Кейинги бир йил ичида қатор спектакллар кичик томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. «Шум бола», «Диққат, светофор» постановкалари, «Ассалом Наврўз» шоу-концерт каби томошалар ҳам яхши кутиб олинди.

Кичик саҳна усталари ҳозир яна бир қизиқарли спектакл устида қизғин иш олиб боришмоқда. У болаларнинг севимли қаҳрамонига айланиб, кино оламида донг таратган афсонавий Симбаднинг кўрсатган жасорати ҳақида ҳикоя қилади.

Янги постановка шу яқин кунларда саҳна юзини кўради.

**А.АЛИЕВ**





*Мулоҳаза учун мавзу*

***Бугунги кунда курраи заминимизда табиатни асраш, атроф- муҳитни муҳофаза қилиш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Йўқолиб бораётган ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, чучук сув заҳираларини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.***

# БАЛИҚЛАРНИНГ УВОЛИ КИМГА?

Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида табиатга муҳаббат уйғотиш, уларнинг она заминимиз ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асрашга ўргатиш қалб амрига айлангани ҳам бежиз эмас.

Мустақил юртимиз ҳудудидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ва аҳоли учун қулай яшаш шароитини барпо этишда қабул қилинган қонунлар ва ҳукуматимиз қарорларини белгиланган тадбирда қўлланилиши табиий бойликлардан фойдаланувчи корхоналар, хўжаликлар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан муносабатларни тартибга солиш, ишлаб чиқилган дастурлар тизимини жорий этишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар, ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан вилоят ҳудудидаги балиқ заҳираларининг сақланиши ва урчишини беталофат ўтказиш, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг махсус нозирлиги томонидан вилоят ички ишлар бошқармаси, солиқ қўмитаси, йўл патрул хизмати, санитария эпидемиология маркази, божхона, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа идоралар билан тузилган ҳамкорлик тадбирлари туфайли жойларда балиқ урчитиш мавсумини тўғри ташкил этишни текшириш бўйича бир қанча назорат кузатувлари ўз самарасини бермоқда.

Бу жараёнда кўлларда, очиқ сув ҳавзаларида, дарё ва каналларда кўплаб қонунбузар дайди овчилар аниқланмоқда ва уларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари кўрилмоқда.

Тошкент денгизи ҳудудида Бионазорат ходимлари билан бирга ўтказилган ҳамкорлик тадбирлари туфайли жами олтита дайди овчилар қонунни бузиш пайтида ушланди. Қонун бузувчи овчилар томонидан денгизга 1800 метрлик ноқонуний ташлама тўрилари қўйилганлиги аниқланди. Уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси кўрилиб, жарима солинди.

Айни вақтда ҳомий ташкилотлар томонидан балиқ увилдириқлари етиштириб, уларни ҳавзаларга қўйиб юбориш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишларни вилоятимизнинг бошқа балиқ хўжаликлари ва сув ҳавзаларида ҳам амалга ошириш тадбирлари кўриб чиқилмоқда.

**Б.РАҲМАТОВ**

*Касаба уюшма тадбири*

***Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан соҳа вакиллари ўртасида турли оммавий тадбирлар уюштириш анъана тусини олган. Куни кеча тиббиётчилар волейбол, стол теннислари, шоҳмот-шашка турлари бўйича ўтказилган беллашувларда бор маҳоратларини намойиш этишди.***

# АЪЛО КАЙФИЯТ УЛАШИБ

— Мазкур мусобақалар тизимда меҳнат қилаётган ходимларни оммавий спортга жалб этиш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, қолаверса, улар қалбида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини кучайтириш кўзда тутилган. Аминманки, биз бунга тўла маънода эришдик, - дейди вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев.

Мусобақалар якунида қуйидаги натижалар қайд этилди: волейбол бўйича кечган баҳсларда Ангрен шаҳар марказий шифохонаси жамоасининг қўли устун келиб, ғолибликни эгаллади. Кейинги ўринлар оққўрғонлик ва паркентлик волейболчилар жамоаларига насиб этди. Стол тенниси мусобақаларида ангренлик Земфира Ҳасанова биринчи ўринга сазовор бўлди. Зангиота тумани вакили Гулбаҳор Холматова иккинчи, Паркент туманилик Шаҳноза Тўрабоева – учинчи ўринлар соҳиби бўлишди. Эркаклар ўртасида эса биринчи ўринга Бўстонлиқ туманидан Усмон Қодиров, иккинчи ўринга ангренлик Алишер Пардабоев, учинчи ўринга оққўрғонлик Бахтиёр Дадабоев муносиб топилди. Ақл гимнастикаси – шоҳмотда М. Шаханова(Ангрен) аёллар ичида мутлақ ғалабага эришди. Фароғат Исроилова (Чиноз) кейинги поғонадан жой олди. Паркентлик Умид Музаффаров(I ўрин), оққўрғонлик Анвар Ғаниев(II ўрин), ангренлик Мурод Юсупов(III ўрин) эркак шахматчилар беллашувида ғолиб бўлишди. Шашка турида аёллар ўртасида Бекобод тумани спортчиси Умида Бойназарова устунликни қўлга киритди. Кейинги ўринларга Оҳангарон туманилик Ирода Мавлонова ва паркентлик Муножот Усмонова лойиқ кўрилди. Эркаклар мусобақасида Оққўрғон тумани вакили Фарид Юсупов I ўрин, Ўрта Чирчиқ туманидан Мухтор Абдураҳимов II ўрин, Юқори чирчиқлик тиббиётчи А. Абдуқаюмов III ўринни забт этишди. Ғолиблар тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Т.ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Суратларда:**
**беллашувдан лавҳалар.**

## ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Фарғона шаҳрида гуллар ва қушлар байрами бўлиб ўтди. Аҳмад ал-Фарғоний номли истироҳат боғида ўтказилган ушбу тадбирда шаҳардаги ташкилотлар, корхоналар, маҳаллалар вакиллари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар талаба ва ўқувчилари ўзлари ўстираётган, парваришлаётган гуллар ва қушлар билан иштирок этди.

- Жамоамиз бу байрамга катта тайёргарлик кўрди, - дейди Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А.Раҳматуллаев. - Унда 200 хилдан ортиқ гул, 100 хилдан зиёд қушларни намойиш этдик. Айниқса тўрт турдаги ноёб гул ва қуш байрам аҳлида катта қизиқиш уйғотди.

Байрам якунига кўра биринчи ўрин саноат корхоналари ўртасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига, олий ўқув юртлари бўйича Фарғона давлат университетига, маҳаллалар ўртасида эса 19-маҳалла вакилларига насиб этди.

## БИАТЛОНЧИЛАР

Чирчиқ шаҳрида ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан ўтказилган мусобақада саксон нафардан ортиқ спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Беллашувлар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи поғона Самарқанд вилояти вакилларига насиб этди. Қолган совринли ўринларни Тошкент вилояти ва Наманган вилояти биатлончилари эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида шахсий биринчилик баҳсларида Тошкент вилояти вакиласи Дилафрўз Имомхўжаева, эркаклардан самарқандлик Руслан Носиров олтин медаль соҳиби бўлди.

**(ЎзА)**

*Футбол*

***2006 йил Германия яшил майдонларида ўтказиладиган Жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланма соҳибига айланиш учун Осиёнинг саккиз жамоаси ҳам астойдил кураш олиб бормоқда. Ўзбекистон терма си иштирок этаётган «А» гуруҳидаги вазият куни кечаги тўртинчи турдан сўнг бирмунча ойдинлашиб қолди. Саудия Арабистони ўз майдонида Кувайт устидан 3:0 ҳисобида ғалабага эришиб, очколари сонини саккизтага етказиб олди. Бу жуда кўп. Агар араблар 8 июнда юртдошларимизни қабул қилишларини назарда тутсак, уларнинг имконияти нақадар яхши эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Ҳатто дуранг натижа ҳам амалда рақибларимизнинг орзу қилинган йўлланма эгасига айлантириши мумкин. Афсуски, Ўзбекистон термаси ҳақида бундай дея олмаймиз.***

# ЭРТАГА, 8 ИЮН

## барчасига ойдинлик киритилади

Жанубий Корея билан орзиқиб кутилган учрашув Равшан Ҳайдаров ва Виктор Жалилов олдида турган муаммоларни баттар чигаллаштириб юборди. Жамоамизни фақат ғалабагина қаноатлантиришини барча-барча англаб турган эса-да, 2002 йилги Жаҳон чемпионати бронза медали соҳибларини таслим этиш осон эмаслиги ҳам равшан эди. Ҳатто баъзи иримчи мухлислар бундан 8 йил илгариги учрашувларни ёдга олиб, ички бир ҳаяжон бўлган ушбу ўйинни кутганлари ҳам бор гап. Ўшанда эсингизда бўлса, термамиз Жанубий Кореяда ўтказилган биринчи давра баҳсида 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйгач, Тошкентда бу мағлубият аламини олиш ўрнига янада йирикроқ – 1:5 ҳисобида енгилган эди. Шу йил 30 мартда жамоамиз яна 1:2 ҳисобида мағлуб бўлгач, Футбол федерацияси бош мураббийи Ю.Гёдени вазифасидан озод қилиб, унинг ўрнига вақтинча Р.Ҳайдаровни тайинлашга қарор қилди. Чамаси бу ўзгариш ўз самарасини берди. Ҳар ҳолда термамиз бундан саккиз йил муқаддам юз берган ҳолатга тушиб қолмади.

Корейслар бу ўйинга катта тайёргарлик билан келганлари аниқ эди. Бир неча халқаро учрашувлар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Шунинг учун бўлса керак, Жанубий Корея термаси бош мураббийи Йо Бонфрере журналистларга берган интервьюсида: «Биз Ўзбекистон ва Қувайтга қарши ўзимиз ўйлаган натижага эриша олсак, Жаҳон чемпионатига бора оламиз. Бизга камида 4 та очко керак, бироқ, биз фақат 6 очко ҳақида ўйлаяпмиз», деган фикрларни айтди.

Лекин унинг башорати биринчи учрашувдаёқ амалга ошмаслиги маълум бўлди. Меҳмонлар Тошкентдан зўрға бир очко олиб кетишнинг уддасидан чиқа олдилар, холос. Ваҳоланки, Максим Шацких томонидан амалга оширилган чиройли голдан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси 1:0 ҳисобида олдинда бораётганди. Тўхталишлар ўрнини қоплаш учун қўшиб берилган уч дақиқа бошланган паллада ҳимоя чизиғимиздаги парокандалик умидларни чиппакка чиқарди. Пала-партишликдан унумли фойдаланган рақибларимиз ҳисобни тенглаштириб, устозлари кутган минимал натижа – бир очко эгаси бўлишга эришдилар. Мураббийнинг нияти рўёбга чиқиши учун энди Жанубий кореяликлар 8 июнда Сити-Кувайтда мезбонларни мағлуб этишларига тўғри келади. Акс ҳолда омад тарозуси Қувайтга оғиб кетиши ҳеч гап эмас.

Тўртинчи тур учрашувларидан сўнг термамиз аҳволи хавас қиларли даражада эмас. Агар юзага келган вазиятга жиддий ўзгартиришлар киритилмаса, аввалги пайтларда бўлгани каби Жаҳон чемпионатидан маҳрум бўлишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Беихтиёр бир латифа хотирага келади. Эмишки, кема фалокатга учраб, денгизчилар кимсасиз оролга тушиб, орадан маълум фурсат ўтиб, улар зерикиб қолишибди. Бир куни тасодифан қўшни оролда юрган аёлларга кўзлари тушибди. Ёшлар дарҳол ўзларини сувга ташлаб, сузиб кетишибди. Ўрта ёшлилар қайиқ ясашга киришибдилар. Кексалар эса қўллари билан кўзларини офтобдан пана қилиб: «Ҳайронмиз, нега мунча ҳовлиқишмаса, шу ердан ҳам кўриняпти-ку», – дейишармиш.

Бу, албатта, ҳазил. Қанийди, термамиз Германия яшил майдонларида тўп суришса-ю, унинг ўйинларидан завқ олиш барча мухлисларга насиб этса. Ҳали ҳам кеч эмас. Саудия Арабистони билан кечадиган баҳс кўп нарсага ойдинлик киритади. Зора, ғалаба биз томонда бўлса. Умид билан яшаганга нима етсин!

**Тўрт турдан кейинги вазият**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.С.Арабистони | 4 | 2 | 2 | 0 | 6-1 | 8 |
| 2.Ж.Корея | 4 | 2 | 1 | 1 | 5-4 | 7 |
| 3.Қувайт | 4 | 1 | 1 | 2 | 2-6 | 4 |
| 4.Ўзбекистон | 4 | 0 | 2 | 2 | 4-6 | 2 |

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати Ўзбекистон темир йўллари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қ.Собировга волидаи муҳтарамаси
**РЕЙМАЖОН ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ва Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қ.Собировга волидаи муҳтарамаси
**РЕЙМАЖОН ая**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Вали Муталович Кочкаровга укаси
**РУСТАМЖОН**нинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Вали Муталович Кочкаровга укаси
**РУСТАМЖОН**нинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314 1 2 3 4 5